# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 21 сентябрь, № 183 (5350) Чоршанба






## Қашқадарё вилояти:

# УЛКАН САЛОҲИЯТ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВОҲАСИ

***— 1995 йил 29 ноябрда бўлиб ўтган халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясини кўпчилик яхши эслайди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Қобил Мўминов. — Унда нутқ сўзлаган Юртбошимиз вилоятнинг пахта, дон етиштириш, нефть-газ ва бошқа соҳалардаги имкониятларига, бу борада амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди. Айрим муаммолар ҳам эътибордан четда қолмади.***

Айни чоғда у кишининг: "Агарда мен мана шу бетакрор заминда бағри кенг, меҳнаткаш ва заҳматкаш, ҳар қандай қийинчиликка бардош берадиган, чидамли, сезгир, керак бўлса, буюк мақсад йўлида меҳнат қилиш у ёқда турсин, жонини ҳам беришга тайёр турган халқни яқиндан билмасам, унинг кенг имкониятларини билмасам, ўзимни қийнаб ўтирмасдим, ортиқча саволлар ҳам бермасдим", деган сўзлари барчамизга куч-ғайрат бағишлади. Шу гап бўлди-ю, бутун воҳа аҳли белни маҳкам боғлаб меҳнат қилдик. Яратганга шукрлар бўлсинки, интилишларимиз беиз кетмади. Бугун мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини улкан натижалар билан қарши олдик. Муҳими, давлатимиз раҳбарининг ишончини оқлаб, юзимиз ёруғ бўлди...

Дарҳақиқат, истиқлол даврида Қашқадарё вилоятида жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Сўнгги ўн йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 3,4 марта, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 марта ўсди. Иқтисодиётни янада юксалтириш учун кичик бизнес субъектларини ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди.

— Бугунги кунда вилоятимизда 78 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти самарали фаолият юритмоқда, — дейди Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Феруз Ташатов. — "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш учун 432,8 миллиард сўм ва 51,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилмоқда. Бундан ташқари, 189,2 миллиард сўм кредит ажратилиб, бунинг ҳисобига 250 та замонавий кичик технологик линия келтирилиши мўлжалланаётир.

Табиийки, вилоят иқтисодиётида саноат тармоқлари улуши салмоқли бўлиб, бу соҳани янада ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 275 та саноат корхонасини ишга тушириш ва модернизация қилиш учун 8,1 миллиард сўм маблағ сарф-



лангани ва барча саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2116,2 миллиард сўмни ташкил этгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Айни чоғда бу даврда 2,6 миллиард сўмлик инвестиция киритилиши ҳисобига 75 та кичик саноат корхонаси ташкил этилиб, уларнинг умумий сони микрофирмалар билан қўшиб ҳисоблаганда, 726 тага етди.

(Давоми 2-бетда).

**Мамлакатимизнинг Киевдаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.**

# «ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАККА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙДИ»

**Биз ва жаҳон**

Унда Украина парламенти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари, халқаро ташкилотлар, дипломатия корпуси ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси раҳбари тадбир иштирокчиларини қутлар экан, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомида эришган кенг кўламли муваффақиятлари тўғрисида атрофлича тўхталди. Бунда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасида қўлга киритилган юксак муваффақиятлар, барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсиш ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир доирасида "Ўзбекистон — украиналиклар нигоҳида" мавзуидаги суратлар кўргазмаси ва "Ўзбекистонда сайёҳлик" номли журналнинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами арафасида нашр қилинган мазкур журнал Ўзбекистонга боришни режалаштирган кўп сонли украиналик сайёҳлар учун ўзига хос совға бўлди. Чунки ранг-баранг суратлар билан безатилган мазкур журнал саҳифаларидан бетакрор юртимиз тўғрисида ҳикоя қилувчи кўплаб маълумотлар ўрин олган.

Қайд этиш жоизки, нашр республикамизнинг сайёҳлик индустрияси, унинг бағрида жойлашган тарихий шаҳарлар, ноёб меъморлик ёдгорликлари, меҳмонхоналар тармоқлари, ресторан, савдо марказлари, унутилмас Шарқ бозорлари муҳити ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Мухтасар айтганда, noширлар украиналик ва хорижлик сайёҳларга қулай бўлиши учун ўзига хос маълумотлар тўпламини яратишган.

Журнал, шунингдек, ўқувчиларни юртимизнинг кўп асрлик тарихи, халқимизнинг маданий ва маънавий меросини қайта тиклаш, хорижлик сайёҳлар учун зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар билан ҳам таништиради.

Ушбу муҳим тадбир унинг иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Буни қатнашчилар фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

Масалан, **Украина президентининг маслаҳатчиси, кўзга кўринган сиёсатчи ва публицист Д. Видрин** мамлакатимиз изчил ижтимоий-иқтисодий ҳамда демократик ўзгаришлар йўлида эришган муваффақиятларга юқори баҳо берар экан, Ўзбекистон бўйлаб бир неча бор сафар қилгани ва ҳар ташрифида республикамиз ўзининг мустақил тараққиёт йўлини танлагани боис келажакка комил ишонч билан қарашига гувоҳ бўлганини қайд этди. Шу билан бирга, у Украина ва Ўзбекистон жуда кўп йўналишларда ўзаро анъанавий алоқаларни фаоллаштириш учун улкан имкониятларга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратди.

**Украина Фан, инновациялар ва ахборотлаштириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А. Гринев** Ўзбекистоннинг сўнгги йиллар давомида эришган иқтисодий кўрсаткичлари диққат-эътиборга сазовор эканлигини таъкидлади. Унинг фикрича, ҳозирги пайтда Украинада иқтисодиётни модернизациялашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мамлакатда 2020 йилгача мўлжалланган миллий лойиҳалар стратегияси қабул қилинган бўлиб, йирик инфратузилмалар лойиҳаларини ривожлантириш бўйича "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди (ЭИИЗ) сингари лойиҳалар мисолида Ўзбекистон тажрибаси ўрганилмоқда.

Киевда бўлиб ўтган ушбу маросим Украинанинг етакчи марказий оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, "Перший національний", УТР, "Тонис" сингари телеканаллар орқали атрофлича ёритилди.

**«Жаҳон» АА.**
Киев

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



***БУХОРО. Ғиждувон туманидаги "Марс Юпитер Люкс сервис" хусусий корхонасида мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

## Ғиждувон мебеллари

Ушбу хайрли ташаббусни амалга оширишда банкнинг 98 миллион сўмлик кредити қўл келди. Ҳозир ўнга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада дастлабки 20 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланиб, сотувга чиқарилди.

Айтиш жоизки, туманда жорий йилнинг ўтган даврида биргина кичик корхоналар ташкил этилиши эвазига 1700 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***АНДИЖОН. Избоскан туманидаги "Uzbek And Spining" хорижий корхонасида 92 минг АҚШ долларилик модернизация тадбирлари амалга оширилди.***

## Модернизация самараси

Натижада бу ерда тайёрланаётган маҳсулот сифати тубдан яхшиланиши баробарида 85 та иш ўрни яратилди. Ўтган қисқа фурсатда корхона жамоаси томонидан 628,5 миллион сўмлик калава ип ишлаб чиқарилиб, унинг асосий қисми хорижга сотилди.

Туманда жорий йилнинг биринчи ярмида 39 миллиард 510 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланиб, 107 фоизлик ўсишга эришилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***СУРХОНДАРЁ. Жарқўрғон туманидаги "Достон Акмал келажаги" хусусий корхонаси банкдан 100 миллион сўмлик кредит олиб, гўштни қайта ишлайдиган янги технологик линияни фойдаланишга топширди.***

## Кредит — тадбиркорга қувват

Пировардида 10 кишилик меҳнат жамоаси томонидан 14 турдаги маҳсулот тайёрланиб, савдога чиқарилмоқда.

Туманда шу йилнинг ўтган даврида 105 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти иш бошлади.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ПОЛЬША ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Польша Республикаси Олий суди биринчи раиси Станислав Збигнев Дабровски раҳбарлигидаги делегация аъзолари 20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.*

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мулоқот давомида меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Икки мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими, давлат бошқаруви органлари ва сиёсий партиялар фаолиятига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, изчиллик ва босқичма-босқичлик тамойилларига асосланган тараққиётнинг «ўзбек модели» ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар мутаносиб ва барқарор ривожланишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Польша делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шу куни польшалик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашиджон Қодиров билан учрашди. Мулоқот чоғида икки мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари билан Польша Республикаси Судларда иш юритиш ва прокуратура давлат академияси ўртасида имзоланган ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

**(ЎзА).**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

## озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг муҳим гаровидир

*Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бевосита Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, экспортбоп товарлар тайёрлаш ҳажмини ошириш борасида улкан ютуқларга эришилмоқда. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилинаётгани, янги корхоналар ташкил этилиб, улар зарур хом ашёлар билан таъминланаётгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

**Халқаро кўргазма**

Мисол учун, жорий йилнинг олти ойи мобайнида республикамизда қишлоқ хўжалик корхоналарини техник ва технологик янгилаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар доирасида 71,6 гектар майдонда 187 та иссиқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда агрофирмаларга 3,9 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилгани эвазига эса, биргина озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 13,7 фоизга ўсди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони аграр соҳани ривожлантиришда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ушбу Фармонга биноан, масалан, пахта майдонлари сезиларли даражада қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган ерлар кенгайтирилган эди. Бу, ўз навбатида, фермер хўжаликларида нафақат дала ва боғ неъматлари ҳосилдорлигини ошириш, балки уларни қайта ишлаш имкониятларини ҳам яратди.

(Давоми 2-бетда).

**Анжуман**

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида етук маънавиятли ёшларни тарбиялаш, уларни турли ёт таҳдидлардан асраш борасида амалга оширилаётган тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ

## уларнинг баркамол вояга етишида ва мамлакат тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга

Республика Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда ёшларимизнинг шижоати, илм олиш, ҳунар ўрганиш, санъат ва спорт соҳаларида катта ютуқларга эришиш йўлидаги интилишлари алоҳида эътироф этилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар билан бирга маънавий-маърифий жабҳаларда ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида келажак ворислари бўлмиш ёш авлод камолотига юксак ғамхўрлик кўрсатилиб, жисмонан ҳамда маънан етук фарзандларни вояга етказиш йўлида эзгу саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганлиги бунинг яна бир ҳаётий тасдиғидир.

Маълумки, ҳозирги глобаллашув даврида ёшларимиз дунёқарашини бойитишга хизмат қилувчи кўплаб имкониятлар мавжудлиги баробарида, улар онгига салбий маънода таъсир этиши мумкин бўлган ёт ғоя ва тушунчалар ҳам етарлича топилади. Бундай унсурларга қарши курашиш эса жаҳолатга қарши маърифат йўлидан боришни тақозо этади. Шу маънода, бугун бебаҳо миллий қадриятларимиз, гўзал анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида миллий истиқлол ғоясига садоқат туйғусини янада кучайтиришга жиддий эътибор берилаётганлиги таҳсинга сазовордир.

— Бу борада Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган лойиҳаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор, — дейди Ҳаракат Марказий кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев.

(Давоми 2-бетда).

